

Дажжол ҳозир жазийрада, темир билан боғланган



10:54 / 23.11.2024 9639

تِيْلَصُ تَلِاقِ سِيْقِ تَنْبَ ةِ طَافُ نَع
مَلَسَوِ هِيْلَعُ هَلِا يْلَصُ هَلِا لُوسَرَعَم
يَلَتِ يْتَلِا ءَاسُنْ لِا فِصُ يْفُ تَنْكُفِ
هَلِا لُوسَرِ يَضَقُ اْمَلَفِ مَوْقِلِا رُوْهُظِ
سَلَجُ هَاتِا لَصِ مَلَسَوِ هِيْلَعُ هَلِا يْلَصُ

مَزَلَيْلِ «: لَأَقْفُ كُضَيَّ وَوَرَبْنَمْلَا يَلَع
 لَه» «: لَأَقْمُثْ، «هَالصُمِ نَأْسُنِ إْلُك
 هَلْ لَأ: أَوْلَأَق؟ «مُكُتْ عَمَجَمَلَن وَوَرَدَت
 مُكُتْ عَمَجَم يِّنِ إ» «: لَأَق، مُلْ عَأْ هَلْ وُسَرَو
 نَأَلْ مُكُتْ عَمَجَم نَكَلَوِةَ بْهَرَلِ أَلَوِةَ بْغَرَلِ
 ءَأَجَفِ إِي نَأْرَصَنَ أَلْجَرَنَأَكْ يِرَأْدَلِ أَمِ يَمَت
 قَفِ أَوِ أَثِ يَدَحِ يِنَثْ دَحِ وَ مَلْ سَأَوِ عِ يَأَبَفِ
 لَأَجْدَلِ إِي سَمِ نَعِ مُكُتْ دَحِ أَتْ نَكْ يِدَلِ
 ةَ يِرْحَبِةَ نِي فَسِ يِفِ بَكْرُهُ نَأْ يِنَثْ دَحِ
 بْغَلَفِ مَأْدُجِ وَ مَخَلْ نَمِ أَلْجَرَنِي ثَأَلِ ثَغَمِ
 أُوِيْ فَرَأَوِ رُحَبْ لَأِ يِفِ أَرَهَشِ جُ وْمَلِ أَمِ هِبِ
 بْرَعَمِ نِي حِ رُحَبْ لَأِ يِفِ ةَ رِي زَجِ يَلِ إ
 ةَ نِي فِ سَلِ بُرْقَأِ يِفِ أَوْسَلِ جَفِ سَمِ شَلِ
 بَلْهَأْ ةَ بَأْدِ مْ هَتِ يِقَلِ فِ ةَ رِي زَجَلِ أَوْلِ خَدَفِ
 نَمِ هَلْ بُقِ أَمِ نَوُرْدِي أَلِ رِعْ شَلِ أُرِي ثَكِ
 أَمِ كَلِي وَ: أَوْلِ أَقْفِ رِعْ شَلِ ةَ رِثَكِ نَمِ هِرْبُدِ
 أَمِ وَ: أَوْلِ أَقْ ةَ سَأَسْ جَلِ إ نَأْ: تَلِ أَقْفِ تِنَأْ
 أَوْ قَلِ طِنَأْ مَوْ قَلِ إ هِيَأْ: تَلِ أَقْ ةَ سَأَسْ جَلِ
 يَلِ إ هِنِ إ فِرِي دَلِ يِفِ لْجَرَلِ إ أَدَهِ يَلِ إ

انل تَمَس اَمَل :ل ا ق ، ق ا و ش ا ل ا ب ا م ك ر ب خ
ة ن ا ط ي ش ن و ك ت ن ا ا ه ن م ا ن ق ر ف ا ل ج ر
ا ن ل خ د ي ت ح ا ع ا ر س ا ن ق ل ط ن ا ف :ل ا ق
ط ق ه ا ن ي ا ر ن ا س ن ا م ط ع ا ه ي ف ا ذ ا ف ر ي د ل ا
ي ل ا ه ا د ي ة ع و م ج م ا ق ا ث و ه د ش ا و ا ق ل خ
ه ي ب ع ك ي ل ا ه ي ت ب ك ر ن ي ب ا م ه ق ن ع
د ق :ل ا ق ؟ ت ن ا ا م ك ل ي و :ا ن ل ق ، د ي د ح ل ا ب
م ت ن ا ا م ي ن و ر ب خ ا ف ي ر ب خ ي ل ع م ت ر د ق
ي ف ا ن ب ك ر ب ر ع ل ا ن م س ا ن ا ن ح ن :ا و ل ا ق
ن ي ح ر ح ب ل ا ا ن ف د ا ص ف ه ي ر ح ب ه ن ي ف س
م ت ا ر ه ش ج و م ل ا ا ن ب ب ع ل ف م ل ت غ ا
ي ف ا ن س ل ج ف ه د ه ك ت ر ي ز ج ي ل ا ا ن ا ف ر ا
ا ن ت ي ق ل ف ة ر ي ز ج ل ا ا ن ل خ د ف ا ه ب ر ق ا
ا م ي ر د ي ا ل ر ع ش ل ا ر ي ث ك ب ل ه ا ة ب ا د
ر ع ش ل ا ة ر ث ك ن م ه ر ب د ن م ه ل ب ق
ا ن ا ت ل ا ق ف ؟ ت ن ا ا م ك ل ي و :ا ن ل ق ف
ت ل ا ق ؟ ة س ا س ج ل ا ا م و :ا ن ل ق ة س ا س ج ل ا
ه ن ا ف ر ي د ل ا ي ف ل ج ر ل ا ا د ه ي ل ا ا و د م ع ا
ك ي ل ا ا ن ل ب ق ا ف ق ا و ش ا ل ا ب ا م ك ر ب خ ي ل ا

نَوُكَّتْ نَأْ نَمُأْنُ مَلَوِ أَهُنْمِ أَنْعَزَفَ وَأَعَارِسَ
لُخْنُ نَعِ يَنْوُربُخَا : لَأَقَفَ ، ءَءَنَاطِيَشِ
أَهْنُأَشْرِيَّأُ نَعِ : أَنْلُقُ ، نَأْسِيَّبِ
لَهْ أَوْلُخْنُ نَعِ مُكُلْأَسَا : لَأَقُ ؟ رِبْخَتْسَتِ
هُنْإِأَمَّا : لَأَقُ ، مَعَنْ : هَلْ أَنْلُقُ ؟ رِمْتِي
نَعِ يَنْوُربُخَا : لَأَقُ ، رِمْتِي أَلْأَكْشُويِ
أَهْنُأَشْرِيَّأُ نَعِ : أَنْلُقُ ، ءَءِيْرَبْطَلَا ءَءِيْخُبِ
: أَوْلَاقُ ؟ ءَامِ أَهِيْفُ لَهْ : لَأَقُ ؟ رِبْخَتْسَتِ
كْشُويِ أَءَامُّ نِإِأَمَّا : لَأَقُ ، ءَامُّلَا ءَءِيْثَكَّيْه
، رَعُزْنِيْعُ نَعِ يَنْوُربُخَا : لَأَقُ ، بَءَءِيْ نَأْ
لَهْ : لَأَقُ ؟ رِبْخَتْسَتِ أَهْنُأَشْرِيَّأُ نَعِ : أَوْلَاقُ
ءَامُّبِ أَهْلَهْ أَعْرُزِيْ لَهْ ءَامُّنِيْعُلَا يِفِ
ءَامُّلَا ءَءِيْثَكَّيْهْ مَعَنْ : هَلْ أَنْلُقُ ؟ نِيْعُلَا
يَنْوُربُخَا : لَأَقُ ، أَهْيَأَمُّ نَمِ نَوُعْرُزِيْ أَهْلَهْ أَوْ
دَقُ : أَوْلَاقُ ؟ لَعَفِ أَمِ نِيْيِيْ مُأَلِّيْ بَنْ نَعِ
هُلَّتْأَقَا : لَأَقُ ، بَرْتِيْ لَزَنَوِ ءَكَمُ نَمِ جَرَخِ
عَنْصَفِيْكَ : لَأَقُ ، مَعَنْ : أَنْلُقُ ؟ بَرَعُلَا
نَمِ يَلَعَرَهْ ظَدَقُ هُنَأْ هَانُ رِبْخَأَفِ ؟ مِهَبِ
نَأَكْ دَقُ : لَأَقُ ، هُوْعَاطَاؤِ بَرَعُلَا نَمِ هِيْلِيْ

رِيخَ كَازِنِ اِمَا بِلَاقِ مَعَن : اِنْلُق ؟ كِلَذ
يِنِ اِي نَع مْ كُرْبُحُم يِنِ اُو . هُو عِي طِي نَ اْمُهَل
يِلَ نَذُوِي نَ اَكِشُو اِي نِ اُو حِي سَمَلِ اِنَا
ضَرَا لِي فِ رِي سَ اَفِ جُ رُخِ اَفِ جُ وُ رُخِ لِي فِ
نِي غَبْرَا يِي فِ اَهُ تَطَبَه اِلِ اِي رَقَ عَدَا اَلِ فِ
نَا تَمْرُحُم اْمُهَفَ اَبِي طَوَ اَكَمَ رِي غَ اَلِي لِ
وَا اِي دِحِ اُو لُ خِ دَا نَا تَدْرَا اَمَلُ كِ اْمُهَاتُ لِكِ سِي لَعِ
وَدِي بْ كَلَمِ يِنِ لَبِقَتُ سَا اْمُهَنِمِ اِدِحِ اُو
يَلَعُ نِ اُو اَهَنَعِ يِنِ دُ صِي اَتُ لَصُ فِ يَسِ لِ ا
« اَهَنُ وُ سُرُحِي اَكِي اَلَمِ اَهَنِمِ بَقِنِ لُ كِ
هِي لَعُ هِلِ لِ اِي لَصِ هِلِ لِ اُو سِرَ لَاقِ : تَلِ اَقِ
: رَبُّ نَمَلِ اِي فِ هِتَ رَصُ خِمِ بَنَ عَطِ وُ مَلَسِ وُ
« اَبِي طِ هِدَه ، اَبِي طِ هِدَه ، اَبِي طِ هِدَه »
مُ كُ تِ تِ دَحُ تِنُ كِ لَه اَلَا « اِنِ دَمَلِ اِي نَغِي
هِنِ اِفِ » : لَاقِ مَعَن : سَا نِلِ لِ اَقِ فِ ؟ « كِلَذ
يِدَلِ اَقِ اُو هِنِ اِمِ مِ تِ ثِي دَحِ يِنِ بَجِ عَا
« اَكَمِ وَا نِي دَمَلِ نَعِ وُ هِنَعِ مُ كُ تِ دَحُ اُ تِنُ كِ
اَلَا » : مَلَسِ وُ هِي لَعُ هِلِ لِ اِي لَصِ لَاقِ مُ ثِ
اَلِ نَمِ يِلِ لِ اِرُ حِ بْ وَا مِ اَشِ لِ اِرُ حِ بْ يِي فِ هِنِ اِ

سُنُّ دُرِّ الْاَلَانِ نَبِيٍّ دَلَّ اَنْ اَسِيَّبَ لِحَنْ
 لَاقٍ، مَعَنْ: اَنْ لُقٍ؟ مَعْ طَا لَهَ نِي طَسَلَفَو
 : اَنْ لُقٍ؟ ثَعْبُ لَهَ سِيَّبِن لَانَعِ يَنْ وُرْبُ خَا
 ، هَيْ لِسَان لَان لَاقٍ فِي كَيْ نِي وُرْبُ خَا : لَاقٍ، مَعَنْ
 ، دَاكُ يَّتَحَّ وُزْنُ يَزْنَفُ : لَاقٍ، عَارِسُ : اَنْ لُقٍ
 هُنَّ اَوْ لُجَّ دَلَّ اَنْ اَلَاقٍ؟ تَنْ اَمَفُ : اَنْ لُقٍ
 هَبُّ يَطُو، «هَبُّ يَطُو اَلَا اَهْلُكَ رَا صُمَّ اَلَا لُحْدَي
 اَهْنُكَ اَسِ يَلَعُ هَلَّ اَلَا لَصُ. هَنْ يَدَمُّ لَا
 مَلَسَو.

Фотима бинти Қайс розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Эркаклардан кейин турган аёллар сафида Расулulloҳ алайҳиссаломга иқтидо қилиб намоз ўқидим. Расулulloҳ алайҳиссалом намозларини ўқиб бўлиб, минбарга ўтирдилар. Сўнг кулимсираб, «**Ҳар ким намоз ўқиган жойида қолсин**», дедилар. Сўнг у зот сўзларида давом этиб, «**Сизларни нима учун тўплаганимни биласизларми?**» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», дейишди. У зот шундай дедилар: «**Аллоҳга қасамки, мен сизларни бир хоҳиш учун ҳам, қўрқиш учун ҳам жамлаганим йўқ. Сизни жамлаганимнинг сабаби шуки, Тамийм Дорий деган насроний бор эди. У келиб, байъат қилиб, мусулмон бўлди. Сўнг мен сизларга Дажжол Масийҳ ҳақида айтиб юрган гапимга ўхшаш гапларни айтди. У Лахм ва Жузомдан ўттиз киши билан кемада денгизда сафарга чиққан экан. Тўлқин уларни денгизда бир ой олиб юриб, сўнгра кун ботиш пайтида денгиздаги бир оролга тўхтабди. Улар кеманинг қайиқларига ўтириб, оролга киришибди. У ерда уларга бир ғалати жонивор учрабди. Унинг жуни ниҳоятда кўплигидан олдини ортидан ажратиб бўлмас экан. Улар унга «Шўринг қурғур, сен нимасан?» дейишибди. «Мен Жассосаман», дебди у. «Жассоса нима?» дейишибди. «Эй одамлар! Анави**

хилватхонадаги одамнинг олдига боринглар. У сизнинг хабарингизни шавқ билан кутяпти», дебди жонивор. Насроний айтади: «У бизга ўша одамнинг исмини айтган эди, «Бу урғочи шайтонмикан», деб қўрқдик. Тез бориб, хилватхонага кирдик. Қарасак, бир одам ниҳоятда маҳкам боғлаб ташланган экан. Бунақанги баҳайбат одамни кўрмаган эдик. Унинг икки қўли бўйнига, икки тиззаси икки товонига темир билан маҳкамланган экан. Унга «Шўринг қурғур, сен нимасан?» дедик. «Менинг хабаримни топдингизми? Сизлар кимсизлар?» деди. «Биз араблармиз. Кемада йўлга чиққан эдик, денгизда бўрон турган пайтга тўғри келибмиз. Тўлқин бизни бир ой ўйнатиб, охири мана шу оролга олиб келиб ташлади. Кейин кемадаги қайиқларга ўтириб, оролга кирган эдик, ғалати бир жонивор учради. У ниҳоятда сержун экан, жуни кўплигидан олдини ортидан ажратиб бўлмас экан. Биз унга «Шўринг қурғур, сен нимасан?» десак, «Жассосаман», деди. «Жассоса нима?» десак, «Анави хилватхонадаги одамнинг олдига боринглар. У сизнинг хабарингизни шавқ билан кутяпти», деди. Шунинг учун тезда сенинг олдингга келдик. Биз ундан қўрқиб, урғочи шайтонмикан, деб ўйладик», дедик. У: «Менга Байсон хурмосининг хабарини беринглар», деди. «Унинг нимасини айтайлик?» дедик. «Мен унинг хурмосини сўраяпман, у мева қиляптими?» деди. «Ҳа», дедик. «Лекин у келажакда мева қилмай қўяди. Менга Тобария кўлининг хабарини беринглар», деди. «Унинг нимасини айтайлик?» дедик. «Унинг ичида сув борми?» деди. «Унинг суви жуда кўп», дедик. «Лекин келажакда унинг суви қурийди. Менга Зуфар булоғи ҳақида хабар беринглар», деди. «Унинг нимасини айтайлик?» дедик. «Ўша булоқда сув борми? Ўша булоқнинг сувини унинг аҳли зироатга ишлатадимиз?» деди. «Ҳа, булоқда сув кўп. Унинг аҳли унинг сувини зироатга ишлатади», дедик. «Менга уммийларнинг Набийси ҳақида хабар беринглар. У нима қилди?» деди. «У Маккадан кетиб, Ясрибга жойлашди», дедик. «Араблар унга қарши уруш қилишдимиз?» деди. «Ҳа», дедик. «У уларга қандоқ муомала қилди?» деди. Биз унга у зот ўзига яқин араблардан устун келганларини, улар у зотга итоат қилганини айтдик. «Шундоқ ҳам бўлдими?» деди у. «Ҳа», дедик. «Унга итоат қилганлари ўзлари учун яхши. Энди мен сизларга ўзим ҳақимда айтиб берай. Мен масийҳман. Менга келажакда хуруж қилишим учун изн берилади. Мен хуруж қилиб, ер юзида сайр қиламан. Қирқ кечада бирорта қишлоқни қўймай, барига кирман. Фақат Макка

билан Тийбага кирмайман, холос. Бу иккиси менга ҳаром қилинган. Улардан бирига кирмоқчи бўлсам, бир фаришта мени қилич яланғочлаб қарши олиб, йўлимни тўсади. Унинг ҳар бир кўчасини фаришталар қўриқлаб туради», деди».

(Фотима) айтади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом қўлларидаги таёқни минбарга тақаб, **«Бу Тийбадир! Бу Тийбадир! Бу Тийбадир, яъни Мадинадир! Мен сизларга айтганмидим?»** дедилар. Одамлар: «Ҳа», дейишди. У зот: **«Тамиймнинг гапига ҳайрон қолдим. Унинг сўзлари мен сизларга у ҳақда, Мадина ва Макка ҳақида айтган сўзларимга мувофиқ келди»**, дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ алайҳиссалом: **«У Шом денгизидами ёки Яман денгизидами? Йўқ, машриқ томонда. У машриқ томонда. У машриқ томонда»**, дедилар, «У» деганларида машриқ томонга ишора қилдилар. Мен буларни Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ўзларидан эшитиб, ёдлаб олганман».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг лафзида шундай дейилган:

«Тамийм Дорий розияллоҳу анҳу менга шундай деди: «Фаластин аҳлидан баъзи одамлар кемага миниб, денгизга чиқишган экан. Денгиз уларни айлантириб, олиб бориб, денгиздаги оролардан бирига отибди. Бирдан уларнинг олдидан нималигини билиб бўлмайдиган, жунлари ёйилган жонивор чиқиб қолибди. Улар унга «Сен нимасан?» дейишса, «Жассосаман», дебди. Улар: «Бизга хабар бер», дейишибди. «Мен сизларга хабар ҳам бермайман, сизлардан хабар ҳам сўрамайман. Лекин сизлар қишлоқнинг чеккасига боринглар. Ўша ерда сизга хабар берадиган, сиздан хабар сўрайдиган кимса бор», дебди. «Кейин биз қишлоқнинг четига бордик. Қарасак, занжир билан боғланган бир киши турибди. У: «Менга Зуғар булоғининг хабарини беринглар», деди. «У сувга тўла», дедик. «Менга кўлнинг хабарини беринглар», деди. «У ҳам сувга тўла», дедик. «Менга Урдун билан Фаластин орасидаги Байсон хурмозори хабарини беринглар. У мева бердими?» деди. «Ҳа», дедик. «Менга Набийнинг хабарини беринглар, у юборилдими?» деди. «Ҳа», дедик. «Менга одамлар унга нисбатан қандоқ эканликларининг хабарини беринглар», деди. «Улар у зотга ошиқмоқдалар», дедик. Шунда у шунақанги қаттиқ силкиндики, сал бўлмаса бўшалиб кетай деди. Шунда биз унга «Сен нимасан?» дедик. У ўзининг Дажжол эканлигини, Тийбадан бошқа барча

шаҳарларга киришини айтди. Тийба - Мадинадир».

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан